

ХИВА ХОНЛИГИДА БОЖХОНА ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

Абдухалилова Азиза Эркиновна

ТДШУ таянч докторанти

baxtiyorovich91@bk.ru

+998911987868

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX-XX асрларда Хива хонлиги молия тизимида божхона тўловларнинг аҳамияти, карвон йўлларида закот олиш тартиби, божмонлар фаолияти сайёҳлар эсдаликлари, архив хужжатлари, даврий матбуот материаллари асосида қиёсий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Солиқлар, девонбеги, божмонлар, божгир, закот, закотсарой, карвонсарой.

АННОТАЦИЯ

В данной статье было сравнительно изучено значение таможенных пошлин в финансовой системе Хивинского ханства в XIX-XX веках, порядок получения закота на караванных дорогах, таможенная деятельность на основе архивных документов, материалов периодической печати.

Ключевые слова: Налоги, девонбеги, таможня, налоговый сбор, закят, закятсарай, каравансарай.

ABSTRACT

This article has comparatively studied the importance of customs duties in the financial system of the Khiva Khanate in the XIX-XX centuries, the procedure for obtaining zakot on caravan roads, customs activities based on archival documents, press materials.

Keywords: Taxes, devonbegi, customs, tax collection, zakat, zakotsarai, carvansarai.

КИРИШ

Бугунги глобаллашув даврида интеграция жараёнларини ва чегарадош давлатлар билан яқин қўшничилик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу боради божхона фаолиятининг ўрни беқиёс. Миллий божхона тизимини миллат тақдирига дахлдор, ягона хизматга айлантириш юзасидан қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати

органларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹, Божхона институтининг қайта ташкил этилиши ва 26-январь божхона хизмати ходимлари куни этиб белгиланиши бу соҳада амалга оширилган ишларнинг нақадар аҳамиятли эканлигидан дарак беради. Соҳада эришилган ютуқ ва учраётган камчиликларни таҳлил этиш учун албатта миллий божхонамиз ривожланиш тарихини чуқур ўрганишни талаб этади. Бу ўринда мамлакат худудидан ўтувчи карвон йўллари ва божхона тизимининг ўрни бекиёсдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хива хонлиги Осиёнинг савдо йўллари кесишган жойда жойлашанлиги ундан Хиндистон, Хитой, Эрон, умуман Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларига олиб борадиган йўлларнинг бошланиши ўлкада халқаро савдо ва божхона фаолиятининг ривожланишига олиб келган. Хива Россияга борадиган ҳамма қисқа савдо йўллари кесишган нуқтада жойлашгани учун Осиё товарлари учун омбор вазифасини ўтаган жой бўлиб қолган².

Шунга ўхшаш маълумот рус шарқшунос олими А.Кун томонидан ҳам келтирилади: “Урганч шаҳри-нафақат хонликнинг, балки унга қўшни давлатларнинг улгуржи савдо омбори, бўлиб, махсулотлар хонлик ва ундан кейин Россияга юборилган.”³

Хонлик иқтисодий ҳаётида хон ғазнасига келиб тушадиган даромад катта миқдорини божхона солиғи ташкил этган. Божхона фаолиятининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини ушбу амалдорнинг шахсан хон Мухаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги давридага тегишли ҳукмдорнинг Хўжа Маҳрам (Оллоқулихон вазири) исмли сарой мулозимларидан бири хонлик божхона бошлиғи лавозимига тайинланганлиги тўғрисидаги ёрлиғида ўз аксини топади⁴.

1839 йилга келиб, Ичан Қалъа марказида қурилган махсус Хўжа Маҳрам мадрасасида божхона фаолияти учун 30 дан зиёд толиби илмлар тайёрланганлиги божхона тизимининг яхши ташкил этилганлигидан гувоҳ беради⁵.

¹<https://lex.uz/docs/3680568>

² Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари. Т.2017 Б.90-91

³ А.Кун. Культурный оазис Хивинского ханства // Город Ургенч // Туркестанские ведомости. 1874. №6. С.54

⁴ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. –Тошкент «Янги аср авлоди», 2010. Б. 289.

⁵ Қодиров Ж., Гаипназаров Р. Ўзбекистон республикасида божхона иши тарихи// Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2019 №1 Б.14

Хонликда божхоналар карвон йўлларида, карвонсаройларда ёки асосий чорва хайдаб ўтиладиган йўлларда жойлашган. Масалан, Хива шаҳрида Ичан-Қалъага киришдаги Ота дарвозаси ёнида божхона ташкил этилган бўлиб, у ер икки хонадан иборат бўлган. Бири божхона, иккинчиси саррофхона вазифасини бажарган⁶. Божхоналарда закот йиғиш билан махсус божмон деб аталувчи амалдор шуғулланган.

Хива хонлигига Россия империяси томонидан турли мақсадларда юборилган элчилар, сайёҳлар эсдаликларида ҳам хонлик божхона тизими ҳақида маълумотлар учрайди. 1819-1820 йилларда хонлик ҳудудига келган Подшо гвардияси бош штаб капитани Н.Муравьев хонликда яшовчи туркманлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар ҳақида, хонлик шаҳарлари, аҳолиси, иқтисодий ҳаёти, жумладан, савдо-сотик ва солиқ тизими тўғрисида алоҳида тўхталиб, Хива хонлигида пул муомаласи, мавжуд солиқ турлари, божхона фаолияти ҳақида шундай ёзади: “Муҳаммад Раҳимхон I ўзбошимчаликни, талончиликни йуқотди, солиқ ундириш ишида доимий тартиб ўрнатиб, даромадни кўпайтирди, божхоналарва бошқа муассасалар ташкил этди. Бож солиғи хонлик иқтисоди учун аҳамиятли тармоқлардан биридир. Хонлик ҳудудида кўплаб божхоналар мавжуд. У ерда бож тўлови ҳар бир олиб кириладиган маҳсулот учун 3 /10 ни ташкил қилади”⁷. Муаллифнинг хонликда божхона тўловлари, савдо карвонларидан олинладиган закот солиғи, амалда бўлган тангалар тўғрисидаги маълумотлари аҳамиятлидир.

Хива хонлигида шариат асосида нисобга тўлган чорвадан олинладиган закотнинг 3 тури, хонликда муқим яшовчи ўтроқ аҳоли чорвасидан; хонлик чегараларида истиқомат қилган кўчманчи аҳоли чорвасидан; хонлик бозорларига сотув учун олиб келинадиган чорвадан олинладиган закот каби мавжуд бўлган. Улардан Хива хонлик бозорларига олиб чиқилган чорвадан тўланадиган закот *суландли* деб номланиб, улардан олинладиган закот божмонлар назорат қилиб борган. Суландли солиғи махсус божхоналарда ҳар туядан 2 танга, ҳар қўйдан ½ танга миқдорда солиқ олинган⁸.

Яна бир рус сайёҳи А.Вамбери маълумотларига кўра, божхона солиғи закот 1883 йилда ҳар бир хонликка кирган маҳсулотдан 2.5 фоиз миқдорда, чорва маҳсулотлари қорамол, туя, отлардан ҳар бир бошига бир тангадан, қўйдан ярим тангадан олинган.

⁶ Қурбонов Ч Туркистонда божхона фаолияти// Мозийдан садо// Т.2010 №2.Б.85

⁷ Луин Б.В. История Узбекистана в источниках.-Т.1988 С.174-180

⁸ ЎзР МДА, И.125-фонд ,2-рўйхат, 418-йиғма жилд, 1-варақ

Ушбу масала юзасидан Данилевский, бож тўлови осиеликлардан 2%, рус савдогарларидан эса 5% миқдорда олинган. Бунинг далили сифатида 1842 йилда хонлик ҳудудига кирган маҳсулотлар қиймати 700 минг тиллони ташкил этган бўлса, ундан 35 минг тилло бож тўлови олинган.

Шарқшунос олим А.Кун юқорида келтирилган муаллифлар фикрларини тасдиқлаб, “божхоналарда тижорат даромадларидан закот солиғи олинар, бу солиқ маҳсулот турига қараб турлича номланар ва унинг миқдори ўзгариб борарди. Хивага қўшни давлатлардан келтириладиган маҳсулот учун закот ҳар 40 тиллодан 1 тиллони ташкил этади”, деб ёзади⁹.

Закот ундиришдаги яна бир ҳолат хорижлик савдогарларнинг хонлик ҳудудига товар олиб кириши ва олиб чиқиши масалалари бўлган. Хонликка олиб кирилган рус товарлари *калачи* деб аталган ҳамда ундан олинадиган солиқ ҳам шу ном билан юритилган¹⁰. Биз томонимиздан ўрганилган архив ҳужжатларида унинг миқдори маҳсулот таннархининг 5% игача миқдорини ташкил этган.

Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги, Афғонистондан келтириладиган маҳсулотлар *бухарчи* деб аталиб, ундан тўланадиган закот миқдори маҳсулотнинг 2.5% идан иборат бўлган.

Савдо-тижорат ишларида хонликдан олиб чиқиладиган ҳар бир *оқ юк*¹¹ учун 1 ½ тилло, савдо карвони қайтгач, яна 3 тилло тўлаши шарт бўлган. Ҳар бир *матта*¹² маҳсулот учун дастлаб 3 тилло, қайтиб келганда яна 6 тилло қўшимча маблағ тўланган¹³.

Гиршфелд ва Галкин XIX аср II ярмида Хива хонлигида бож тўловлари хусусида “божхонада чойнинг ҳар бир пудидан 20 хива кичик тангаси ёки 4 рубл, бир туяга юк бўлган бухоро тамакиси 45 танга миқдорда, Хивага хайдаб келинадиган чорвадан унинг 1/40 миқдорида солиқ олинар эди”.

1873 йилда Хива хонлиги Россия империя томонидан эгалланиши хонлик иқтисодий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хонлик божхона иши Туркистон генерал губернаторлиги таркибидаги Закот бошқармаси томонидан назорат

⁹ Кун А. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости – 1873. – №33 С.131

¹⁰ Кун А. Заметки о податях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости – 1873. – №32 С.126

¹¹ Бир туяга юкланган қиймати паст маҳсулот

¹² Бир туяга юкланган қиймати баланд маҳсулот

¹³ Кун А. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости – 1873. – №33 С.132

қилинадиган бўлди. Аммо ушбу ташкилот кутилган натижа бермади, узоқ фаолият юритмасдан 1875 йилда тугатилди ва эски тартиб қайта тикланди¹⁴.

XIX аср Хива хонлари иқтисодий-ижтимоий ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи “Хива хонлиги девонхона ҳужжатларида”дан ўрин олган ҳужжатлардан бирида хонлик божхона фаолияти тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин. Биз томонимиздан ўрганилган 1875 йилга оид солиқ ҳужжати матнида, божмон Саид Муродаминнинг Хивадан чиқиб кетаётган ва хивага кириб келган карвонлар рўйхати келтирилган. Хивалик Уста Битқулнинг Бухорога юборилаётган ½ туядаги 5 ботмон келувчи, тан нархи 98 тилло ёки 350 рубллик маҳсулоти учун 31.5 рубл миқдорда бож тўлови тўланган ва 251 рақамли квитанция берилган. Ушбу ҳужжат мисолида божхона тизимида иш юритишда савдогарларнинг рўйхати, нечта туяга ортилгани, жами неча пуд ва маҳсулот тан нархи баҳоланиб, сўнгра ундан олинадиган солиқ миқдори белгиланиб, бож олинган ва унга патта (квитанция берилган). Бундан мақсад кейинги закотсаройда савдогарни безовта қилмаслик ва қайта бож олмаслигини назорат қилишдан иборат бўлаган¹⁵.

1890 йил 12 июнда Туркистон божхона округи ташкил этилиб, бундан кўзланган мақсад ўлкага Ғарбий Европа ва Осиё маҳсулотларининг кириб келишига чек қўйиш бўлган. 1894 йилда Хива хонлигининг Россия империяси божхона тизимида киритилиши унинг хорижий давлатлар билан ташқи савдо алоқаларининг чек қўйилишига олиб келди¹⁶. Ўз навбатида, Хива хонлиги ташқи савдо алоқаларининг империя манфаатларига бўйсундирилиши хонлик газнасига тушадиган солиқнинг кескин камайишига олиб келди.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлар қиёсий таҳлил қилиш асосида хулоса қилиб, Хива хонлигида божхона фаолияти давлат аҳамиятига молик масала бўлганлиги, хонлик божхона тизимини бошқарувчи амалдорлар шахсан хон томонидан тайинланганлиги аниқланди. Божмонлар томонидан юритилган ҳужжатлар тартибли равишда йўлга қўйилган бўлиб, Бунинг яна бир ёрқин мисоли сифатида Хивада божмонлар тайёрловчи мадраса фаолияти юритилганлиги ҳам келтиришимиз мумкин. Хива ва Урганч сингари йирик

¹⁴ Жумаев У.Х. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ватаракқиёти. Тарих фанлари номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2012.Б.88

¹⁵ ЎзР МА И-907 фонд, 1-рўйхат, 38- йиғма жилд

¹⁶Почекаев Р. Включение Бухарского эмирата и Хивинского ханства в таможенную черту Российской империи. Право.Журнал высшей школы экономики. 2016. №3 С. 172-184

шаҳарлари божхона пунклари ўрнатилиб, нафақат мамлакат ичкарасида, балки чет давлатларга олиб кетилаётган маҳсулотлар ҳам ушбу маскандан ўтган.

REFERENCES

1. ЎзР МА И-907 фонд, 1-рўйхат, 38- йиғма жилд
2. ЎзР МА И-125-фонд, 2-рўйхат, 418-йиғма жилд
3. Кун А.Заметки о подьятах в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости– 1873. – №32 С.126
4. Кун А.Порядок взимания податей в Хивинском ханстве// Туркестанские ведомости– 1873. – №33. С.131
5. Кун А. Культурный оазис Хивинского ханства. Город Ургенч // Туркестанские ведомости – 1874. – №6 С.54
6. Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари.Т.2017 Б. 90-91
7. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках.-Т.1988 С.174-180
8. Жумаев У.Х. Россия империясининг Туркистондаги солиқ сиёсатининг шаклланиши: асосий босқичлари ватаракқиёти. Тарих фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т., 2012.Б.88
9. Қодиров Ж., Гаипназаров Р. Ўзбекистон республикасида божхона иши тарихи// Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2019 №1 Б.14
10. Курбонов Ч. Туркистонда божхона фаолияти// Мозийдан садо// Т.2010 №2.Б.85
11. Почекаев Р. Включение Бухарского эмирата и Хивинского ханства в таможенную черту Российской империи. Право.Журнал высшей школы экономики. 2016. №3 С. 172-184
12. <https://lex.uz/docs/3680568>
13. Мунис ва Огахий. Фирдавс ул-иқбол. –Тошкент «Янги аср авлоди», 2010. Б. 289.